



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адхам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети*

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна

*Тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети*

Махкамов Қодиржон Одилжонович

*PhD, катта ўқитувчи
Наманган давлат университети*

Ғофоров Шокир Сафарович

*тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный
университет, Грузия*

Халикова Рахбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Абдор Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор,
Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Сандович

*тарих фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат техника университети*

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич

*PhD, доцент
Наманган давлат университети*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


| | |
|--|----|
| 1. Зухра Арипова МИСРДА МАМЛУКЛАР ДАВРИ (1250-1517) АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ҲОМИЙЛИК МАСАЛАЛАРИ..... | 4 |
| 2. Шавкат Амонтурдиев МАРКАЗИЙ ОСИЁ КЎЧМАНЧИ ХАЛҚЛАРИНИНГ СИЁСИЙ БИРЛАШИШИДА ТАБИЙЙ ОМИЛЛАР..... | 13 |
| 3. Махбуба Баратова КИБЕРМАКОН ШАРОИТА ДИНИЙ ДУНЁҚАРАШ..... | 20 |
| 4. Шухрат Бозоров АҲМАД ДОНИШ МАЪРИФАТПАРВАР ВА ЖАМОАТ АРБОБИ..... | 29 |
| 5. Шавкатжон Жумаханов, Абдуқодир Тошпўлатов МАРКАЗИЙ ОСИЁДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШНИНГ ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ТАҲЛИЛИ..... | 35 |
| 6. Гулчехра Раҳимова ЎЗБЕКИСТОНДА 1940-1980 ЙИЛЛАРДА САНОАТЛАШТИРИШ СИЁСАТИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ..... | 51 |
| 7. Алексей Грицина, Комил Раҳимов, Омон Мамиров ЎРТА АСР ХОВОС ОШХОНА ИДИШЛАРИГА ТАВСИФ..... | 59 |
| 8. Шохжаҳон Рашидов АМИН НИЁЗОВ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР..... | 65 |
| 9. Озодбек Раджабов, Ҳамза Қаландаров ХІХ АСР БРИТАНИЯ ТАШҚИ СИЁСАТИДА “КАТТА ЎЙИН” МАСАЛАСИ ВА УНИНГ ИНГЛИЗ ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЁРИТИЛИШИ..... | 72 |
| 10. Равшан Сиддиқов ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ (1991-2016 ЙИЛЛАР)..... | 78 |
| 11. Сарвар Қулдашев МАҲМУД КОШҒАРИЙНИНГ “ДЕВОНИ ЛУҒОТИ ТУРК” АСАРИДАГИ УНВОН ВА ЛАВОЗИМЛАР ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР..... | 91 |
| 12. Sadoqat Xo'ja yorova XVIII-XIX ASRLARDAGI ROSSIYA IMPERIYASI VA QO'QON XONLIGI DIPLOMATIC ALOQALARINING TARIXSHUNOSLIKDA YORITILISHI..... | 98 |

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Сарвар Махмудович Қулдашев,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар Академияси Тарих институти
стажёр тадқиқотчиси
e-mail: quldashev.sarvar@mail.ru

МАҲМУД КОШҒАРИЙНИНГ “ДЕВОНИ ЛУҒОТИ ТУРК” АСАРИДАГИ УНВОН ВА ЛАВОЗИМЛАР ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

For citation: Sarvar Mahmudovich Quldashev, SOME COMMENTS ON THE TITLE AND POSITIONS OF MAHMUD KASHGARI'S “DEVONI LUG'OTI TURK”. 2020, vol. 8, issue 3, pp.91-97

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-8-11>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Махмуд Кошғарийнинг асарида келтирилган унвон ва лавозимлар ҳақидаги тарихий маълумотларуша даврда яшаган муаррихлар ва ҳозирги замон тадқиқодчиларнинг асарларида келтирилган маълумотлар билан умумлаштирилган ҳолда қиёсий таҳлил қилинди. Унда Махмуд Кошғарий яшаган давр давлат бошқаруви ҳақида ёритилган. Шунингдек мақолада Ўзбек давлатчилиги тарихида Қорахонийлар давлати муҳим аҳамият касб этиши ва давлатнинг ўз бошқарувига эга эканлиги таъкидланган.

Калит сўзлар: “Қорахон”, “арслонхон”, “буғрахон”, тавғачхон, “илахон” “имға”, “алимға”, атлиғ, “тузун” “ялафар”

Сарвар Махмудович Қулдашев,
Стажер-исследователь Института истории
Академии Наук Республики Узбекистан.
e-mail: quldashev.sarvar@mail.ru

НЕКОТОРЫЕ КОММЕНТАРИИ ПО НАЗВАНИЮ И ПОЗИЦИИ МАХМУДА КАШГАРИ «ДЕВОНИ ЛУГАТИ ТУРК»

АННОТАЦИЯ

В статье дается сравнительный анализ исторических сведений о титулах и должностях, приведенных в творчестве Махмуда Кашгари, обобщаются сведения, приведенные в трудах историков того времени и современных исследователей. В нем рассказывается история администрации Махмуда Кашгари. В статье также подчеркивается значение государства Караханидов в истории узбекской государственности и тот факт, что государство имеет собственное правительство.

Ключевые слова: «Карахан», «Арсланхан», «Буграхон», «Тавгачхон», «Илахон», «Имға», «Алимға», «Атлиг», «Тузун», «Ялафар»

Sarvar Mahmudovich Quldashev,
Intern researcher at the Institute of History of the
Uzbekistan Republic Academy of Sciences
e-mail: quldashev.sarvar@mail.ru

SOME COMMENTS ON THE TITLE AND POSITIONS OF MAHMUD KASHGARI'S "DEVONI LUG'OTI TURK"

ABSTRACT

This article provides a comparative analysis of the historical information about the titles and positions given in the work of Mahmud Kashgari, summarizing the information given in the works of historians of that time and modern researchers. It tells the story of Mahmud Kashgari's administration. The article also emphasizes the importance of the Karakhanid state in the history of Uzbek statehood and the fact that the state has its own government.

Index Terms: "Karakhan", "Arslankhan", "Bugrakhon", Tavgachhon, "Ilakhon", "Imga", "Alimga", Atlig, "Tuzun", "Yalafar"

1. Долбзарблиги:

1991 йил 31 августда Ислом Каримов Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги қайта тикланганлигини бутун дунёга эълон қилди. Худди шу куни жамиятимизхаётига Ўзбекистон давлати, ўзбек давлатчилиги қайта кириб келди. Ўзбек давлатчилиги тарихи уч минг йилликни ўз ичига олади. Қорахонийлар давлати ҳам Ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутган. Қорахонийлар давлати ўша даврда ҳам ўзининг маълум бир давлат бошқарувига эга бўлган. Маҳмуд Қошғарий ўзи яшаган даврдаги Қорахонийлар давлати бошқарувидаги лавозимлар тўғрисида "Девони луғатит турк" асарида келтириб ўтган. Шунингдек давлат бошқаруви, давлатчиликдаги анъаналар, қонунчилик, давлатнинг жамият ижтимоий - сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти, ташқи алоқаларини ўрганиш ҳозирги кундаги тадқиқотчилар учун асосий масалалардан биридир.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Илмий мақолада умум қабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик, қиёсий - мантиқий таҳлил, тамойиллар асосида ёритилган.

«Девону луғотит турк» («Туркий сўзлар девони») ҳижрий 464, милодий 1076-1077 йилларда ёзилган бўлиб, халифа Муқтадий (1075 - 1094)га бағишланган[11,С.11]. Бу вақтда муаллиф 50 ёшда бўлган. Умуман олганда бу асар XI асрда ёзилган бўлиб, туркий сўзлар луғати ҳисобланади. Бу ҳақда Маҳмуд Қошғарийнинг ўзи ёзади: «Мен бу китобни махсус алифбо тартибида ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар билан беади. Бу ишда мисол тариқасида туркларнинг тилида қўлланиб келган шеърларидан шодлик ва мотам кунларида қўлланиладиган ҳикматли сўзларидан, мақолларидан келтирдим».

«Девону луғотит турк» асарининг асл қўлёзмаси бизгача етиб келган эмас. Унинг ёзилган санадан 200 йил ўтгач кўчирилган бирдан-бир нусхаси Истанбул кутубхонасида сақланмоқда. Уч жиддан иборат бу китоб 1939- йилда ҳозирги турк тилига таржима қилиниб нашр этилган [17,С.37]. Ўзбекистонда «Девон»нинг биринчи тадқиқотчиси ва қисман ношири профессор Фитратдир. Буасарни филология фанлари доктори, таниқли тилшунос олим С. Муталлибов ҳозирги ўзбек тилига ағдарган.

«Девону луғатит-турк» - қомусий асар. Бу асардан фақат тилга ёки адабиётга оид материаллар ва далилларнигина эмас, балки Марказий Осиёда истиқомат қилган қабилалар тарихи тўғрисидаги манба ҳамдир. Ҳар бир қабиланинг ўша даврдаги мавқеи, тарихи тўғрисида ҳам етарли маълумотлар беради. Жумладан ўғузлар, қарлуклар каби йирик қабилалар тўғрисида берилган маълумотлар бунга далилдир.

Қорахонийлар давлати тарихи хусусида уша даврда Маҳмуд Қошғарий ўз асарида давлат бошқаруви оид атамаларга тариф бериб ўтган. Айнан шу маълумотлар уша даврда

яшаган Юсуф Хос Хожиб, Ибн ал-Асир, Жамол Қарший каби тарихчиларнинг асарлари шунингдек, “Худуд ул-алам” ва Гумилев .Л.Н, Бартолд В.В, Шониёзов К.Ш, Азамат Зиё, Бўрибой Ахмедов, Притсак О. Кочнев Б.Д. каби олимларнинг илмий ишлари билан қиёсий таҳлил қилинди.

3. Тадқиқод натижалари:

Дастлаб Еттисувда ташкил топган Қарлуқлар давлати X асрдан бошлаб Шарқий Туркистон ва унга туташ бўлган худудлардаги турли туркий қавмлар, яғмо, чигил ва ўғузларни ўзаро бирлаштириб Қорахонийлар давлати тузади.

Бу давлатнинг қудрати юксалиб, у тез орада катта худудларни ўз қўл остига кирита боради. Унинг пойтахти Баласағун шаҳри бўлган. Бу шаҳарнинг қаерда жойлашганлиги ҳақида олимлар ўртасида ҳанузгача баҳслашиш давом этмоқда. [22, С.230] Қорахонийлар давлати Қашқардан Амударёгача чўзилган Шарқий Туркистон, Еттисув, Шош, Фарғона ва қадимги Суғдерларини ўз ичига олган [9, С.50].

Маҳмуд Кошғарий Қорахонийлар давлати ҳукмронлиги остидаги худудда туғилиб Салжуқийлар саройида яшаган.

Маҳмуд Кошғарий ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад — туркшунослик илмининг асосчиси, филолог ва тарихчи олим. Отаси Ҳусайн ибн Муҳаммад ўша даврдаги Барсахоншаҳри ҳокими бўлган. Маҳмуд Кошғарийнинг ҳаёти тўғрисида бизгача жуда кам маълумот етиб келган. Маҳмуд Кошғарий бошланғич маълумотни ўз қишлоғида, юқори маълумотни Кошғар мадрасаларида олган, араб, форс, туркий каби 7—8 тиллар ва уларнинг қўллаб-лаҳжаларини пухта эгаллаган. Сўнг у Бухоро, Самарқанд, Марв, Нишопур шаҳарларида билимини оширган. Ҳатто қорахоний ҳукмдор Томғоч Қора Буграҳоннинг эътиборини қозониб, Хос ҳожиб унвонини олган [8, С.108].

1056—57 йилларда мамлакатдаги ички низолар натижасида олим ўз ватанини тарк этиб, 15 йил давомида атрофдаги қардош халқлар орасида юришга мажбур бўлган. Ана шу йилларда “у туркий халқлар яшайдиган ўлкаларни кезиб, бу ерлардаги туркий қабил ва уруғлар, уларнинг келиб чиқиши ва номланиши, жойлашиш ўринлари, урф-одатлари, айниқса, тил хусусиятларини синчиклаб ўрганади.

Хўш Маҳмуд Кошғарийнинг асарида Қорахонийлар давлатига оид қандай маълумотлар берилган? Асарда Ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим рол ўйнаган Қорахонийлар давлат бошқарувида шунингдек ўша даврдаги бошқа давлатларнинг бошқарувлари ҳақида ҳам кизиқарли маълумотлар келтирилган.

Қорахонийлар давлати нисбат берилган “Қора” сўзи туркийларда “буюк” “улуғлик” маъносини беради [9, С.104].

Девонда эса Қорахон Ҳокониянинг буюк шоҳи деб берилади [16, С.908].

Олий ҳукмдор Ҳокон, Қорахон унвонини қабул қилган. Бу сўзни тадқиқотчи О.Қараев “қора” – халқ, “хон” – ҳукмдор, маносида яъни ҳақл ҳукмдори деб тарифлайди [20, С.87]. Шунингдек “қора” сўзи ер деган маънони ҳам англатишини ҳисобга олсак у “ернинг эгаси” “давлатнинг эгаси” деган маъно ҳам келиб чиқади [14, С.142].

О. Пирицак қора сўзини “буюк” ва эркин” деб, қорахонни “буюк хон” ёки “ҳокон” деб тарифлайди [6, С.18].

Ғайбулла Бабаёров Қорахон унвон келиб чиқиш тарихини тадқиқ қилади. Бу унвон Ғарбий турк ҳоконлиги давридаги унвонлардан бири ва уни Қорахонийлар ўзларига қабул қилган деган фикрни такидлайди [1, С.300-323].

Қорахондан кейинги ўринларда “арслонхон” “тавғачхон”, “буғраҳон” ёки илакхон каби унвон эгалари туради. Улар ҳам кичик хон даражасида бўлиб ҳар бирининг ўзининг маъноси бор.

Туркий халқларда бирор кучли ҳайвонни ўзига титул сифатида танлаб ўзларини шу ҳайвоннинг ҳислатларига эга эканлигини намоён этадилар. Мисол учун Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони”да “тўғрил” – бу кучли йиртқич қуш деб берилади. Унга эса “ер” созини қўшиб эртўғрил – яъни кучли одам маъносини берадиган исм, ўғил болаларга

кўйилади. Худди шундай қараш Қорахоний ҳукмдорларга ҳам хос бўлиб улар ўзларига “асрлонхон” “буғраҳон” “тавғачхон” каби олий унвонларни олишган.

Қорахонийлар давлатида ҳукмдорлари “арслонхон” унвони билан аталган. Арслонхон бу – арслон, шер ва қоплонлар сингари кучли маъносидан ташақари шоҳлар ҳам шундай аталган. (الَيْنُ اَرْسَلَانُ تَتَارُ كُوْجِنُ سَبْجَانُ تَتْمَاسُ) [алин арслан тутар, кучин сижғон тутамас – хийла тадбир билан асрлонни тутиш мумкин бўлса, куч билан сичқонни ҳам тутиб бўлмайди] бу мақолда зўравонлик қилмай, яхши тадбир кўриши лозим бўлган инсонларга нисбатан ишлатилган[19,С.419]. Шундан келиб чиқадики зўравонликни қилмайдиган, адолат билан барча ишларни ечимини топадиган кишиларга “Арслонхон” унвони берилган.

Бу унвонни биринчи бўлиб қорахоний ҳукмдор Сотуқ Буғраҳоннинг отаси Бозир олган[20,С.90].

Тадқиқотчи О Прицакнинг фикрича арслонхон бу чигил уруғининг тотеми бўлган. Ғарбий Қорахоний ҳукмдорлари ҳам асрлонхон унвони билан аталган[6,С.24].

Шунингдек арслонхон унвони Уйғур хоқонлигида ҳам мавжуд бўлган[5,С.141].

Буюк хон ўзига арслонхон унвонини олган. Ундан кейинги ўринда буғраҳон туради. Агар буюк хон – арслонхон вафот этса унинг ўрнини буғраҳон эгаллаб асрлонхон унвонини олган[10,С.244].

Арслонхон унвони Ғарбий турк хоқонлиги даврида ҳам мавжудлигини Ғ. Ғайбулла Бабаёров ўз изланишларида кўрсатиб берган[1,С.300-323].

Буғраҳон – Қорахоний ҳукмдорларнинг яна бир номи бўлиб унинг келиб чиқиш ҳақида турли қарашлар бор.

Девонда “буғра” – эркак туя маъносини беради. Буғраҳон исми ҳам шундан олингандир деб ёзади[17,С.397]. Сизга маълумки туялар кучли, чидамли, ва бардошли бўлиб уша даврда бу ҳайвон туркий халқларда эъзозланган. Шунинг учун ҳам ҳукмдорлар шу ном билан ҳам аталган.

Ўрта аср муаллифлари Ибн ал-Асир ва Жамол Қарший асарлари асосида бу унвонни дастлаб 921-йилда Абдул Карим Сотуқ Буғраҳон ва кейинчалик Қодир хоқон Буғраҳон олганини такидлайдилар[4,С.1-4].

Яғмо уруғидан чиққан ҳукмдорлар бир нечтаси айнан мана шу унвон орқали мамлакатни бошқаришган[6,С.24]. В. Минорский таржима қилган “Худуд ул-алам” да буғраҳон унвони яғмо ҳукмдорларига тегишли эканлиги қайд этилган[3,С.278]. В.В. Бартолд ҳам яғмо ҳукмдорлари ўзига буғраҳон унвони олганини ёзади[13,С.273]. И. Маркварт “бограч” қабиласидан буғраҳон келиб чиққан деб такидлайди[20,С.58]. Б. Кочнев катта хоқон арслонхон, кичик хоқон эса буғраҳон деб тарифлайди[10,С.245] Ғайбулла Бабаёров эса бугра сўзини илмий таҳлил қилиб, унинг келиб чиқиши Турк хоқонлиги даврида оид эканлиги, уша даврда Тоҳаристон ва Устуршона ҳукмдорлари бугра номи билан аталганлигини такидлайди[1,С.300-323].

Шунингдек Қорахонийлар давлатида қуйидаги унвонлар ҳам учрайди.

Тавғачхон – эса Қошғарийнинг асарида келтирилишича катта ерлик эски хонларга нисбатан ишлатилган[17,С.423].

Қодирхон – бу ҳам Қорахонийлар даврида ҳукмдорларга берилган нисбат. У кучли шоҳ деган маънони беради[17,С.344].

Қорахонийлар давлатида олий унвонлардан бири Илакхон бўлиб, Маҳмуд Қошғарийнинг асарида “илк” – биринчи, дастлабки, маъносида келади[17,С.178]. Яъни биринчи ҳукмдор маъносида келган.

Шунингдек Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг” асарида тилга олинган “Елакхон унвони Қорахонийлар давлатида олий унвонлардан бири. Элакхон сўзининг келиб чиқиши ҳақида турли хил фикрлар мавжуд. Тадқиқотчилар томонидан бу сўз илак, илик, елик, элик, ҳатто ойлик шаклида қарашлар ҳам бор. П. Пеллиотва О. Туран каби тадқиқотчилар томонидан эса “илиг” деб қабул қилинган[1,С.300-323]. Маҳмуд Қошғарийнинг асарида “Илк” сўзи дастлабки деган маънони кўришимиз мумкин[17,С.78]. Бу сўз қадимги туркий манбаларда илиг сўзи “биринчи” “илк “шаклида “илигхон эса – биринчи ҳукмдор” каби

маъноларни англлатган[20,С.88]. Шунингдек, элакхонни туркийларда бокий хаёт рамзи саналмиш кийик ёки тоғ эчкиси арқардан ҳам келиб чиққан деган қараш бор[7,С.107]. Мусулмон муаррихлари асарларида бу “Илик” шаклида учрайди.

Елакхон Шарқий турк хоқонлигидаги унвонлардан биридир[12,С.519]. Шунингдек, бу унвонни манбаларда Хоқон билан тенг унвон деб ҳам кўрсатилади[2,С.2]. Бунга сабаб кўплаб шарқий Қорахоний ҳукмдорлар шу унвонни ўзларига қабул қилганлар. О Прицак эса элакхонни Хоқондан кейинги ҳукмдор сифатида таърифлайди[6,С.23]. Ғайбулла Бабаёров элак хон унвони Турк хоқонлиги даврида вилоят ҳукмдори бўлганлигини сўнг, Уйғур хоқонлигида ҳам Қорахонийлар даврида ҳам сақланиб қолганлигини ёзади[1,С.300-323].

Елак хон унвони Қорахонийлар даврида хондан кейинги ўринда турувчи вилоят ҳукмдори бўлган. Кейичалик элакхон тахтга чиққанда олий унвон билан бирга бу унвонни ҳам ўзида сақлаб қолган.

Агар вилоятларда шаҳзодалар ҳукмдор бўлса уларни “тегин” ибораси ишлатилган. Тегин сўзининг маъноси ўзи аслида кул дегани. Шаҳзодалар отасини хузурида ҳурмат қилиб ўзини камситиб “қулингиз фалон қилди” деб қулингиз ўрнида тегинни ишлатар эди. Бу сўз уларга от бўлиб коди. Бошқа куллардан ажратиш учун бу соънинг ёнига яна бир нарса қўшиб ишатилади. арслон тегин, тоғрил тегин, бўри тегин ва ҳақозалар[17,С.391-392].

Хоқон уруғига мансуб бўлмаган вилоят ҳукмдорлари “таркан” деб аталиб у “итоат этувчи” деган манони англатади[17,С.413].

Хоқон баъзи вилоят ҳукмдорларини лавозимга тайинлаётган вақтда унга ҳокимият рамзи маъносида от совға қилган[16,С.112]. Вилоятдаги барча отлар энди унга тегишли бўлиб ҳукмдор чақирғи билан белгиланган миқдорда от билан таминлаган. Шунинг учун ҳам уни “Елбоши” сўзи билан мурожаат қилишган. Эл сўзининг яна бир маъноси от бўлиб элбоши вилоятдаги барча отлар эгаси – отбоқари маносини англатади. Бу ибора ҳозирги кунда ҳам қозоқларда сақланиб қолган.

Шунингдек кичик вилоятлар ҳукмдорига нисбатан бошқа иборалар ҳам ишлатилади. Кичик аҳоли яшайдиган худудлар ҳукмдори “бек[17,С.169]” дейилган. Ундан ташқари бекач ёки бекач асрлон каби номлар билан ҳам аталган.

Қабила бошлиқлари ёки қишлоқ оқсоқоллари Девонда турли номлар билан аталганини кўришимиз мумкин. Будун башғон – жамоа улуғи, қишлоқ оқсоқоли[17,С.410]. Туркий халқларда будун халқ деган маънони англатади[15,С.598]. Ундан ташқари қишлоқ оқсоқоли Чубан деб аталади[18,С.382]. Шунингдек давлат таркибига кирган қабила бошлиқлари, оқсоқоллари ҳам ўз номлари билан аталган. Туркманларда уруғ бошлиғи ёки қабила оқсоқоли Кок йўқ деб аталади[19,С.146]. Қарлуқларда жамоа каттаси эса соғун деб аталади[17,С.382]. Сўгун сўзидан табиблар каттаси – отасоғун келиб чиқади. Машҳур уйғур олими Алихонтўра Соғуний исми ҳам шундан келиб чиққандир. “Еркин” сўзи – сув маъносини беради. Шундан келиб чиқиб қарлуқ раҳбарларини “қул эркин”[17,С.132] деб ҳам юритилган. Яъни сув каби ақли лиммо-лим тўлган, сувдек тоза кўнгил демақдир. Қарлуқларнинг катталаридан бири яна “чуғлан” деб ҳам аталган[17,С.415].

Девонда қабила улуғи ёки бошлиғини “атлиғ[17,С.107]” номи билан аталишини кўришимиз мумкин. “Тузун” – қишлоқ кексалари ва сув тақсимловчи мироби бўлган[17,С.380].

Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит турк” асарида келтирилган айрим лавозимларни тўхталиб ўтамиз.

Маҳмуд Қошғарий девонда “уғир” деб даргоҳга нисбатан айтган. Халқ ўз муаммоларини даргоҳга келиб ҳал этган. “Бак уғринда менинг ишим этилди” - бек даргоҳида менинг ишим ҳал қилинди – деб ёзилган девонда

Уша даврда давлат бошқаруви адолатни таъминлашга қаратилган. Чунки даргоҳда ҳукмдор уруғидан ташқари халқдан чиққан амалдор ҳам бўлиб, уларнинг ваколати Хоқон уруғидагилар билан тенг бўлган. Халқ орасидан чиққан Хоқондан кейинги иккинчи даражада турувчи амалдор – “яфғу”[17,С.39], учинчи даражадаги амалдор эса “туксин”[17,С.410] дейилган. Хоқондан кейин ўринларда турувчи оддий халқдан чиқиб вазир бўлган амалдор

“югруш” деб аталганини кўришимиз мумкин[17,С.47-48]. Уша даврда Хоқон вазирга от, табл, туғ, бериш орқали уни вазир этин тайинланганини билдирган. Шунингдек унга албатта вазирлик муҳри ҳам берилган[21,С.42]. Ундан ташқари “ағичи”[17,С.116] – ипак кийимни сақловчи хазинабон, “имға”[17,С.148] – молларни сақловчи ва уларни йиғувчи амалдор, “бируқ” [17,С.359] – шоҳ олдида катталарни ўз жойиг отказувчи киши, “ўрдабоши”[17,С.145] – шоҳлар хизматидаги кишилар, “ятғақ”[19,С.49] – хоннинг кўрғони ва унинг нарсаларини кўриқловчи одам каби амалдорлар мавжуд бўлган. Хоқон бирор бир масалани ҳал қилиш учун атрофдаги барча амалдорлар чақириладиган йиғини – “тартиғ” дейилган[17,С.429]. Гоҳида оғир жиноят қилганларни халқ олдида ошқорона жазолашлар бўлиб турган. Бундай жазолаш намунаси жазолаш бўлиб – “қизғут” дейилган[17,С.421]. Бундан кўзланган мақсад эса халқга шундай қонунбузарлар қандай жазоланишини намоён этишдир.

Қорахонийлар кўплаб давлатлар билан элчилик алоқаларни йўлга қўйган. Табиийки, бунда албатта элчилик каби ташқи алоқалар билан шуғулланадиган амалдорга талаб бўлган. Маҳмуд Қошғарийнинг девонида эса бу ҳақида айрим маълумотларни кўришимиз мумкин. Хоқон ҳузурида мактубларни турк хати билан ёзувчи махсус амалдор бўлиб у – “алимға” деб аталган билимли юксак салоҳиятга эга одам бўлган[17,С.161]. У ёзган мактубга “туғрағ”[17,С.430] – муҳр босилган. Мактубни бошқа давлатга ёки вилоятга олиб борадиган элчи, ёки хабарчи – “арқиш”[17,С.123] деб аталган. Хоқон мактуби манзилиги тез етиб бориши учун элчига махсус ёрлик, ишончнома яъни махсус от – “ялафар”[19,С.54] берган. Ҳукмдорнинг махсус оти билан чиққан элчи маълум вақтдан сўнг ўз отини “чуфға” деб аталадиган махсус жойларда бошқа отга алаштириб олиши мумкин[17,С.400].

4. Хулосалар:

Асарда келтирилган маълумотлар асосида Қорахонийлар далаида олий ҳумдор ўзига Қорахон унвони билан бирга “арслонхон” “буғрахон” “тавғачхон” каби унвонларни ҳам қабул қилган. Вилоят ҳумқдорлари элақхон тахтга чиққанидан сўнг ҳам ушбу унвонни ўзида сақлаб қолган.

Маҳмуд Қошғарий ушбу девони Қорахонийлар даврига оид давлат бошқаруви, унвонлар, амалдорлар ҳақида қисқа бўлса ҳам маълумотлар берилган. Бу маълумотларни бошқа манбалар билан таққосланиб Қорахонийлар давлати бошқарувида оид тарихини ёритишда муҳимдир. Бу эса асар қорахонийлар давлат бошқарувини ўрганишда қанчалик аҳамиятли эканлигини очиб беради.

Иқтибослар/ Сноски/References:

- [1] Gaybullah Babayar. Karahanlı Hakanlığı Sikkelerinde Görülen Bazı Eski Türkçe Ünvanlarve Onların Menşei Üzerine //Актуальные вопросы истории Кыргызского народа:прошлое, настоящее и будущее// Сборник статей в честь 70 летия кыргызского историка и востоковеда Мокеева Анварбека Мокеевича. Бишкек 2019 г. (Gaybullah Babayar. On Some Old Turkish Titles Seen on Karahanlı Hakanlığı Coins and Their Origin // TOPICAL ISSUES IN THE HISTORY OF THE KYRGYZ PEOPLE: PAST, PRESENT AND FUTURE // Collection of articles in honor of the 70th anniversary of the Kyrgyz historian and orientalist Mokeev Anvarbek Mokeevich. Bishkek 2019.)
- [2] Genç R. Karahanlı Devlet Teşkilatı. – Ankara, 2002 y. (Genç R. Karahanli State Organization. – Ankara, 2002.)
- [3] Hudud al-alam. V Minorsy tarjiması.CanbrideAngliya 1982. (Hudud al-alam.V Minorsy translation. –Canbride England, 1982.)
- [4] İsa Özkan. Abdülkerim Satuk Buğrahandestani. // Yayınları, // Gazientepa [Türkiye] 2013. (İsa Özkan. Abdülkerim Satuk Buğrahan is the epic. // Publications // Gazientep to [Turkey] 2013.)
- [5] Ogel B. Turk Kulturunun Gelişme Çağları, II, İstanbul Turkiya, 1971. (Ogel B. Development Age of Turkish Culture, II, Istanbul Turkiya, 1971)
- [6] Pritsak Omeljan. Dei Karachaniden (miteinergenealogischenTabel) – Der islom, 1953, №31. Heft

- [7] Togan İ., Kara G., Baysal C. Çinkaynaklarında Türkler. Eski T'ang Tarihi (Chiu T'ang-shu). - Ankara, 2006. (Togan İ., Kara G., Baysal C. Turks in Chinese sources. Ancient T'ang History (Chiu T'ang-shu). - Ankara, 2006.)
- [8] Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Тошкент, 2001. (Azamat Ziyov. History of Uzbek statehood. –Tashkent, 2001)
- [9] Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. –Тошкент: Университет, 2007 й. (Askarov A. Ethnogenesis and ethnic history of the Uzbek people. Tashkent: University, 2007.)
- [10] Б.Д.Кочнев. Нумизматическая история караханидского каганата (991 – 1209 гг.) Часть II М. 2006. (B.D. Kochnev. Numismatic history of the Karakhanid Kaganate (991 - 1209) Part II M. 2006.)
- [11] Бўрибой Ахмедов. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. Тошкент, 2003-йил. (Boriboy Akhmedov. Well-known historians of Uzbekistan. Tashkent, 2003.)
- [12] В.В. Бартольд. Сочинения. Том II, часть 2 – Москва.1964 г (V.V. Barthold. Compositions b. Volume II, part 2 - Moscow. 1964)
- [13] В.В. Бартольд. Сочиненияб. Том V – Москва.1968 г. (V.V. Barthold. Compositions b. Volume V, - Moscow. 1968)
- [14] В.В. Радлов. Опыт словаря тюркских наречий. Том 2, часть 1. Санкт-Петербург, Россия. 1893 г. (V.V. Radlov. The experience of the dictionary of Turkic dialects. Volume 2, part 1. St. Petersburg, Russia. 1893.)
- [15] Киселев С. В. Древняя история Южной Сибири. М. 1951. (Kiselev S.V. Ancient history of Southern Siberia. M. 1951.)
- [16] Махмудал-Кашгарий. ДиванЛугатат-Турк. Алматы, Казахстан. 2005 гMahmud al-ashgary. Divan Lugat at-Turk. Almaty, Kazakhstan. 2005)
- [17] Махмуд Қошғарий. Девону луғатит турк. – Тошкент 1960 й I том. (Mahmoud Kashgari. Devanilugati Turk. - Volume I Toshkent 1960)
- [18] Махмуд Қошғарий. Девони луғатит турк. – Тошкент 1963 й. 2 том Mahmoud Kashgari. Devani lugati turk. - Volume II Toshkent 1963)
- [19] Махмуд Қошғарий. Девону луғатит турк. – Тошкент 1963 й. 3 том. Mahmoud Kashgari. Devani lugati turk. - Volume III Toshkent 1963)
- [20] О. Караев. История Караханидского каганата. Фрунзе, Кыргызстан. 1983 г. (O. Karaev. History of the Karakhanid Kaganate. Frunze, Kyrgyzstan. 1983)
- [21] Ҳ.М.Мамадалиев. IX – XIII асрларда Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган давлатлар девонлари фаолиятига доир айрим мулоҳазалар. // «Ўзбек давлатчилик тизимида даргоҳ ва девонлар» илмий-амалий конференция // . –Тошкент, 2018 (H.M.Mamadaliyev. Some comments on the activities of the states' offices in the territory of Uzbekistan in the IX-XIII centuries. // Scientific-practical conference "Dargah and devons in the Uzbek state system" // Tashkent. 2018
- [22] Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. –Тошкент, 2001. (Shoniyozyov K. The process of formation of the Uzbek people. – Tashkent, 2001)

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 8

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000